

**“Олой дехқон бозори” АЖ
акциядорларининг навбатдаги умумий йигилиш
БАЁНИ**

2019 йил 24 апрел

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2018 молиявий йил якуни бўйича умумий йигилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Амир Темур кўчаси 40-уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2019 йил 24 апрел куни ўтказилди. Йигилишда 1 824 336 овозга эга 3 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 98,66 % ни ташкил этади, йигилиш ўтказиш хукукига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 98,65 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар хокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар хокимияти “Муниципиал активларни бошқариш” ДУК “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йигилиш раёсатига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:

Д.Ганиев – Тошкент шаҳар ҳокимияти “Муниципиал активларни бошқариш” ДУК “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари, Т.Камолов-“Муниципиал активларни бошқариш” ДУК бош мутахассиси, Д.Шерова – “Олой дехқон бозори” АЖ акциядори.

Йигилиш котибиятига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:

Азизов Азизбек Равшанович.

Йигилиш саноқ хайъатига қўйидаги ходимлар сайландилар:

Азизов Азизбек, Срельникова Лариса, Юсупова Ширин.

Йигилишга жамият Кузатув кенгаши аъзоси, Д.Шерова раислик қилди.

Йигилиш кун тартиби:

1. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик хисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўгрисидаги хисоботларини эшигитиши.
2. Жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хуносасини кўриб чиқиши.
3. Жамият тафтиши комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаршига доир қонун хужжатларида белгиланган таъабларга риоя этилиши юзасидан хуносалари.
4. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаши.
5. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб-варагини тасдиқлаши, унинг фойдасини тақсимлаши.
6. Жамиятнинг 2019 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаши.
7. Жамият директори билан тузилган меҳнат шартнома муддатини узайтириши.
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаши.
9. Жамиятнинг Тафтиши комиссиясини сайлаши.
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиши.
11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритши ва қайта тасдиқлаши.
12. Жамиятнинг 2019 йил фаолиятини текшириши учун аудиторни тайинлаши.
13. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаши.
14. Жамиятнинг янги таҳрирдаги акциядорлар умумий йигилиши тўгрисидаги низомини тасдиқлаши.
15. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Кузатув кенгаши тўгрисидаги низомини тасдиқлаши.

Йигилиш регламенти қўйидагича тасдикланди:

Асосий масалаларга 5-10 минутгача.

Сўзга чикувчиларга 2 минутгача.

Йигилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича директори вазифасини бажарувчи А.Холжигитов сўзга чиқиб, 2018 йил фаолияти якуни ижроия органи ва Кузатув кенгаши билан хамкорликда, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўгрисидаги хисоботини берди.

Сметанинг ялпи даромади режадаги 2 194 400 минг сўм ўрнига 2 334 965,1 минг сўм ёки режадан 140 565,1 минг сўмга ортиғи билан бажарилди.

Шунингдек, 50 фоизли маҳаллий бюджет ажратмасига режадаги 1 062 089,6 минг сўм ўрнига 1 130 123,1 минг сўм яни 68 033,5 минг сўм кўпроқ маблағ ўтказилди, Соф фойда режаси 104 402,8 минг сўм бўлса, амалда 131 913,6 минг сўм бўлиб 26,4 фоизга кўп бажарилганини айтиб ўтди.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарорида “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиши ва қўллаш” I-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилиши, ушбу схеманинг кўрсаткичлар мониторингида “Ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи томонидан ижроия органи ҳисоботини ҳар чоракда, шу жумладан СИК(КПЭ) бўйича эшишиб борилиши”, белгилаб қўйилганлиги боис жамият ижроия органи раҳбари томонидан жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари бўйича тайёрланган маълумотлар тингланди.

Тақдим этилган ракамларга асосан 2018 йил якунлари бўйича олинган СИК = 101,8 % ташкил этаётганлиги (режа бўйича 100 % бўлиши керак) боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, **яхши даражада** деб топилди.

Жамият қимматли қофозлар бўйича мутахассиси ҳисбот йилидаги Кузатув кенгашининг фаолияти бўйича ҳисбот берди. Жумладан, Кенгаш томонидан 2018 йил учун тасдиқланган «Бизнес-режа»нинг жамият ижроия органи томонидан бажарилиши таҳлил қилиб борилгани, шу билан бирга жамият ижроия органининг ҳар чоракда ҳисботлари тингланиб, мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш ишларини жадаллаштириш, бу каби қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметаси кўрсаткичларини бажариш, белгиланган харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймасликка доир масалалар кўрилгани, ҳар чорак якуни бўйича жамият ижроия органи раҳбари ҳисботлари, смета курсаткичларини бажарилиши бўйича, жамият Тафтиш комиссиясининг жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар тузилган ёки тузилмаганлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя килиниши тўғрисидаги хулосаси тинглаб борилгани хақида ҳисбот берди(**жамият Кузатув кенгаши ҳисботи илова қилинади**).

Берилган саволларга маъruzачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича сўз жамиятнинг бош бухгалтери Л.Стрельникова берилиб, 2018 йил молиявий-хўжалик фаолиятини масъулияти чекланган жамият шаклидаги «IQTIDOR AUDIT INFORM» аудиторлик ташкилоти (лицензия № 00718, 2010 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган) аудитори Назиркулов Ф.К. томонидан тўлиқ текширилганлиги (сертификат № 05553, 2018 йил 12 июнда берилган), молиявий ахволи бухгалтерия хужжатларида хаққоний кўрсатилганлиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига жавоб беришини ва ижобий баҳо берилганини таъкидлади.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият қимматли қофозлари бўйича мутахассиси А.Азизов сўзга чиқиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси хулосаси билан йигилиш қатнашчиларини таништириди. Жумладан, ушбу хулосада жамият Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга, ҳамда жамият 2018 йил молиявий-хўжалик фаолиятини масъулияти чекланган жамият шаклидаги «IQTIDOR AUDIT INFORM» аудиторлик ташкилоти (лицензия № 00718, 2010 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган) аудитори Назиркулов Ф.К. томонидан тўлиқ текширилганлиги (сертификат № 05553, 2018 йил 12 июнда берилган), молиявий ахволи бухгалтерия хужжатларида хаққоний кўрсатилганлиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига жавоб беришини ва ижобий баҳо берилганига асосланиб:

- Адлия вазирлиги томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари», пул маблағларини ҳисобга олишни тартибга солувчи бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларга амал қилинганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 17.11.1999 йилги «Мехнат хақи юзасидан ҳисоб китобларни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан министрликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори талабларини бузиш ҳоллари аниқланмаганлиги;

- Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғарив бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилмоқда. Жамиятда асосий иш

жой Жамият хисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимида пенсия дафтарчалари очилиб, Халқ банкига хар ойда маблағлар ўтказиб келинаётганлиги;

- Тафтиш комиссия аъзолари аудитор текшируви хulosаларига таяниб, жамиятнинг 2018 йил молиявий-хужалик фаолиятининг даромадлар ва харажатлар хисоботи ва балансидаги маълумотларининг хакконийлиги тасдикланганлигини;

- 2018 йил давомида аффилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганинги ҳақида маълум қилди(*тафтиш хайъатининг хulosasi ишва қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги тўргинчи масала бўйича жамият бош хисобчиси Л.Стрельникова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2018 йил якуний баланси ҳақида ахборот берди ва баланс кўрсаткичлари жамият веб-сайтида жойлаштирилганини билдири.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилиш раиси масала юзасидан тулик тушунча олиш мақсадида сузни жамият бош бухгалтери Л.Стрельниковага берди. Л.Стрельникова сўзга чиқиб, “Олой дехқон бозори” АЖ 2018 йил соф фойда режаси 104 402,8 минг сўм бўлса, амалда 131 913,6 минг сўм бўлиб 26,4 фоизга кўп бажарилганини айтиб ўтди ва олинган соф фойдани қуидаги тартибда тақсимлаш таклифини киритди:

Олинган соф фойданинг 100 % жамиятнинг аввалги йилларда олинган заарини қоплашга
йўналтириш -131 913,6 минг.сўм.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги олтинчи масала бўйича жамият директори вазифасини бажарувчи А.Холжигитов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси”, хамда “2019 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди. Жумладан, бизнес-режадаги 2019 йилга режалаштирилган ишлар, даромад олиш манбалари, соф фойда режаси йиғилиш иштирокчилари томонидан мухокама этилди.

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги еттинчи масала жамият директори Рассаков Аҳад Анварович билан меҳнат шартномасини акциядорларнинг 2019 йил якунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишига қадар узайтиришни таклифини билдири ва ушбу масала юзасидан бюллетен орқали овоз беришларини сўраб, акциядорларга мурожаат этилди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги саккизинчи масалага ўтиб, 2019 йилда жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги тўққизинчи масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ корпоратив текширувчи Л.В.Матвеев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 4 октябрдан бошлаб жамиятда “Корпоратив бошқарув кодекси” жорий этилганлигини ва шу муносабат билан жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашни “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилганлигини ва ушбу хulosага асосан жамият “Қониқарли” даражада бал тўплаган деб топилганлигини мажлис аъзоларига тақдим этилди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан жамият қимматли қофозлар мутахассиси А.Азизовга сўз берди, А.Азизов жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва қайта тасдиклаш кераклигини билдири ва янги тузилмани тақдим этилди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан жамият қимматли қофозлар мутахассиси А.Азизовга сўз берди, А.Азизов Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамияти

қонунларига ўзгартиришлар киритилганини, аудиторни тайинлаш умумий йигилиш ваколатига ўтганини боис, 2019 йил фаолиятни текшириш учун «IQTIDOR AUDIT INFORM» МЧЖ аудиторлик ташкилотини тайинлаш ва 2 500 минг сўм иш хақини белгилаш кераклигини билдириди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахассиси А.Азизовга сўз берди, А.Азизов 2019 йил 20 мартағи ЎРҚ531-сонли қонун билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш” қонунига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани боис жамият низомини янгилаш кераклигини билдириди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахассиси А.Азизовга сўз берди, А.Азизов 2019 йил 20 мартағи ЎРҚ531-сонли қонун билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш” қонунига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани боис жамият акциядорлари умумий йигилиши низомини янгилаш кераклигини билдириди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахассиси А.Азизовга сўз берди, А.Азизов 2019 йил 20 мартағи ЎРҚ531-сонли қонун билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш” қонунига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани боис жамият Кузатув кенгаши низомини янгилаш кераклигини билдириди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

(танаффусдан сўнг)

Саноқ хайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништириди.

1-масала	2-масала	3-масала
Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%
4-масала	5-масала	6-масала
Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%
7-масала	10-масала	11-масала
Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%
12-масала	13-масала	14-масала
Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%
15-масала		
Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%		
8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)		
1. Хидоятов Даврон Абдулпаттахович – Тошкент шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари.		1 824 336 та овоз
2. Аминов Рустам Анварович – Ўз.Р.ХККРРД.қ. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи.		1 824 336 та овоз
3. Акбарходжаев Лазизхон Турапович – “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директор ўринбосари.		1 824 336 та овоз
4. Усманов Раҳмонбек Жаҳонгирович – Юнусобод тумани ҳокими.		1 824 336 та овоз
5. Ганиев Дилмурод Иркинович – “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи		1 824 336 та овоз

үринбосари.		
6. Каримов Сардор Юлдашбаевич – “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК етакчи мутахассиси.	1 824 336 та овоз	
7. Туляганов Фарход Файзуллаевич – “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК етакчи мутахассиси.	1 824 336 та овоз	
8. Кайрлапов Александр – акциядор.	1 824 336 та овоз	
9. Мирзаев Хамидулло – акциядор.		
10. Иномжан Алимов - Тошкент шаҳар ҳокимияти Котибият мудири.		
11. Машраб Турабеков - Тошкент шаҳар ҳокимияти бош мутахассиси		
12. Малик Каримов - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК ходими	1 824 336 та овоз	
13. Тўлқин Иброхимов- “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ ҳуқуқшуноси		
14. Оқил Саидахмедов- акциядор		
9.1-масала Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	9.2-масала Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	9.3-масала Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар қўпчилик овози билан қабул қилинганини билдириди. Саноқ хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик хисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисботлари тасдиқлансан.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

2. Жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хulosаси тасдиқлансан.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хulosалари тасдиқлансан.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

4. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича фойдасини тақсимланиши тасдиқлансан. 2018 йилда олинган 131 913,6 минг сўм соғ фойда аввалги йиллардаги заарни қоплашга йўналтирилсан.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

5. Жамиятнинг 2019 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси», хамда “Даромадлар ва ҳаражатлар сметаси режаси” тасдиқлансан.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

6. Жамиятнинг 2019 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси», хамда “Даромадлар ва ҳаражатлар сметаси режаси” тасдиқлансан.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

7. Жамият директори Рассаков Аҳад Анварович билан тузилган меҳнат шартномаси акциядорларнинг 2019 йил яқунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йифилишига қадар узайтирилсан.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

8. Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансан:

1. Хидоятов Даврон Абдулпаттахович – Тошкент шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари.	1 824 336 та овоз
2. Аминов Рустам Анварович – Үз.Р.ХККРРД.к. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи.	1 824 336 та овоз
3. Акбарходжаев Лазизхон Туррапович – “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директор ўринбосари.	1 824 336 та овоз
4. Усманов Раҳмонбек Жаҳонгирович – Юнусобод тумани ҳокими.	1 824 336 та овоз
5. Ганиев Дилмурод Иркинович – “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК	1 824 336 та овоз

“Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиги ўринбосари.	
6. Каримов Сардор Юлдашбаевич – “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК етакчи мутахассиси.	1 824 336 та овоз
7. Туляганов Фарход Файзуллаевич – “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК етакчи мутахассиси.	1 824 336 та овоз
8. Кайрлапов Александр – акциядор.	1 824 336 та овоз
9. Мирзаев Хамидулло – акциядор.	
10. Иномжан Алимов – Тошкент шахар хокимияти Котибият мудири.	
11. Машраб Турабеков – Тошкент шахар хокимияти бош мутахассиси	
12. Малик Каримов – “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК ходими	1 824 336 та овоз
13. Тўлқин Иброхимов- “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ хукуқшуноси	
14. Оқил Саидахмедов- акциядор	

9. Жамият Тафтиш комиссиясига қуйидагилар сайлансин:

1.Абдуллаева Гулчехра

2.Ибрагимова Гулноза -“Авиасоз дәҳқон бозори” АЖ бухгалтери

3.Ким Олек -“Кўйлиқ дәҳқон бозори” АЖ қимматли қоғозлар мутахассиси
(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият ижроия органига аникланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

11.Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритилсин ва қайта тасдиқлансин.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

12. Жамиятнинг 2019 йил фаолиятини текшириш учун «IQTIDOR AUDIT INFORM» аудиторлик ташкилоти тайинлансин ва энг кўпи 2.500,0 минг сўм иш хақи белгилансин.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

13. Жамиятнинг янги таҳрирда устави тасдиқлансин.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

14.Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ҳақидаги низоми янги таҳрирда тасдиқлансин.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

15. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳақидаги низоми янги таҳрирда тасдиқлансин.

(Ёқлаган 1 824 336 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

Баённома имзоланган сана: «_____» 2019 йил.

Йиғилиш раиси

Д.Шерова

Котиб

А.Азизов